

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

**“Банк-молия хизматлари” факултети**

**“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси**

**“Ҳимояга тавсия этилди”**

Кафедра мудири, проф.

Ж.Р. Зайналов

Баённома №10 2018 йил 22 май

**5230600 – “Молия” таълим йўналиши**

**МК-114 гуруҳ талабаси**

**Амонов Бобур Шавкатовичнинг**

**“ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
МОЛИЯВИЙ МУАММОЛАРИ”**

**(Тойлоқ туман ҳокимлиги молия бўлими маълумотлари бўйича)**

## **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:** и.ф.н. Расулов З.Ж.

**Илмий маслаҳатчи:** Ахтамов И. –

Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия

Бош бошқармаси бошлиғининг

биринчи муовини

**САМАРҚАНД – 2018**

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
I-БОБ. ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ БЮДЖЕТДАН ИЖТИМОИЙ ХАРАЖАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ АҲАМИЯТИ .....	8
1.1. Давлатни ижтимоий соҳаларга йўналтирилган сиёсатни молиявий таъминотни аҳамияти .....	8
1.2. Ижтимоий соҳа харажатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатнинг асосий йўналишлари .....	11
1.3. Ҳозирги шароитда ижтимоий сиёсатни молиявий масалаларни ҳал этишда замонавий ёндашув масалалари .....	13
II-БОБ. ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАРДА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ АҲАМИЯТИ .....	18
2.1. Ижтимоий соҳаларда бюджет маблағларидан фойдаланиш сиёсатини ҳолати .....	18
2.2. Ижтимоий соҳаларда бюджет маблағларидан фойдаланиш сиёсатини амалга оширишда давлат иштирокини таъминлаш услублари .....	22
2.3. Ижтимоий сиёсатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга таъсир этувчи омиллар .....	27
III-БОБ. ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН СИЁСАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МОЛИЯВИЙ МУАММОЛАРНИ ВА УНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ .....	36
3.1. Ижтимоий йўналтирилган ислохатларни қўллаб-қувватлашни молиявий муаммолари .....	36
3.2. Ижтимоий эҳтиёжларни ривожлантириш сиёсатни молиявий таъминотини амалга ошириш имкониятлари .....	40
3.3. Иқтисодий модернизациялаш шароитида маҳаллий бюджети харажатлари тизимида ижтимоий харажатларини оптималлаштириш сиёсатини ривожлантириш муаммолари .....	42
IV-БОБ. АТБ «ТУРОНБАНК» ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲОЛАТИ ВА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ .....	47
4.1. Ҳаёт фаолияти меҳнат муҳофазасининг қонуний асослари .....	47
4.2. АТБ «Туронбанк» меҳнат фаолиятини муҳофазасининг ҳолати .....	49
4.3. АТБ «Туронбанк» ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора тадбирлари .	50
4.4. АТБ «Туронбанк» фаолият кўрсатаётган ҳодимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммаллаштириш йўллари .....	54
ХУЛОСА .....	58
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	60

## КИРИШ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар миқёсида давлат молияси ислохотлари муҳим ўринни эгаллаган. Давлат бюджетининг харажатлар қисмида яъни бир харажат гуруҳи мавжуд-ки? у ҳам мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунга келиб, ҳар бир мамлакат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам дунё ҳамжамияти ўртасида шафқатсиз рақобат асосида ривожланмоқда. Рақобатбардош бўлиш учун саноат маҳсулотларини маҳаллийлаштириш зарур, аҳолини муқим яшашини таъминлаш яъни истиқомат қиладиган ҳудудида ўзи ва оила аъзоларига етарли бўлган даромад манбаларига эга бўлиши учун иш ўринлари лозим. Ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, яъни иш ўринларини таъминлаш ёки рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқиш ёки хизмат кўрсатиш муассасаларини ташкил этиш учун алоҳида ҳудуднинг молиявий имкониятлари етишмайди. Худди шунга ўхшаш бир ҳолат алоҳида вазирлик ёки қўмита мисолида ҳам айтиш мумкин. Давлат марказлашган инвестиция маблағлари орқали кам ривожланган ҳудуд ва тармоқларда янги иш ўринларини ташкил этиш билан бирга, дунё бозорида рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариш жараёнларини йўлга қўяди.

Ижтимоий соҳа - аҳоли турмуш тарзи, халқ фаровонлиги, истеъмол даражасига бевосита боғлиқ бўлган тармоқлар, муассасалар ва ташкилотлар мажмуидир. Ижтимоий соҳага таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, спорт, жисмоний тарбия ва бошқалар киради. Ижтимоий соҳани ривожлантириш орқали аҳолининг яшаш шароитини янада яхшилаш, турмуш даражасини ошириш ва халқ фаровонлигини таъминлашга эришиш мақсад қилиб қуйилган. Мамлакатимизда кейинги йилларда давлат молиясини бошқаришда маъмурий ислохотлар жадал суръатларда амалга оширила бошланди. Бунда ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий сиёсатнинг тўла ва изчил амалга оширилаётганлиги, ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси ва унинг VI қисмида Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича белгилаб берилган муҳим вазифалар ҳамда уларни ривожлантириш бўйича имкониятларнинг сафарбар этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.<sup>1</sup> Давлат харажатлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция қилиш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш ҳамда ижтимоий вазифаларни бажариш, давлатни бошқариш ҳамда мудофаани таъминлаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган харажатлардан иборат. Давлат харажатларининг муҳим таркибий қисми сифатида давлат хариди алоҳида ўринга эга. Ижтимоий соҳаларга давлат харидини амалга ошириш зарурияти умумжамиат манфаатларидан келиб чиқади. Кейинги йилларда давлат бюджетининг харажат қисмига катта эътибор берилиши натижасида, давлат бюджети профицит билан яқун топмоқда. Бизнингча, бунга таъсир этган омил сўнги ўн йил давомида молия тизимига ғазначилик институтини жорий этилгани, шунингдек, 2014 молия йилидан бошлаб Бюджет кодексининг жорий этилганлигидир. Бюджет кодексининг қабул қилиниши, бир вақтнинг ўзида бир неча меъёрий ҳужжатларни яхлит бир ҳужжатда уйғунлаштириш имкониятни берди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хозирга кунда Ижтимоий Сиёсатни ривожлантиришга қаратилаган тадқиқот иши билан боғлиқ иқтисодчи олимларидан И. Акперов, Т. В. Брайчева, Х.Н.Гизатулин, И.Р. Зарипова, М. Дмитриев, Л.В. Журавлева ва Н.В.Коровлевалар<sup>2</sup> илмий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” ПФ-4947 сонли Фармони.

<sup>2</sup> Акперов И. и др. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. Учебное пособие. - М.: «Финансы и статистика», 2011.; Брайчева Т. В. Государственные финансы. Санкт Петербург.: Питер. 2001. -278с.; Гизатулин Х.Н., Зарипова И.Р. Формирование и проблемы расширения самостоятельности местных бюджетов в условиях рыночных отношений. 2-изд. Уфа: Институт экономики УрО РАН, 2001. 248с.; Дмитриев М. Бюджетная политика в современной России. -М.: Московский Центр Карнеги. 2001. - 264с.; Журавлева Л.В. Бюджетная политика как метод государственного регулирования. -М.: Дело. 2001. -

асардаларида ёритилган. Бюджет даромадаларини ташкил этиш ва ривожлантиришдаги муаммолар МДХ нинг Л.Гончаренко, Е.Евстигнеев, А.Исаев, М.Кулишер, В. Пансков, А.Погорлецкий, Д.Тихонов, Т. Юткин каби иқтисодчилари томонидан ўрганилган. Мамлакатимизда бюджет даромадаларини оширишни ривожлантиришга муносиб ҳисса кўшиб келаётган олим ва амалиётчи мутахассислардан И.А. Азизова, А. Ваҳобов, Г. Қосимова, Ж.Р.Зайналов, Б.Ш.Хусанов, И. Р. Зарипова, В.Р. Хафизова, Т.С.Маликов, П.Т. Жалилов, Н.Х. Ҳайдаров, З.Х. Срожиддинова ва Ж.Р.Сиддиков<sup>3</sup> кабиларни мисол келтириш мумкин. Шу билан бирга, бюджет даромадаларини ошириш соҳасида олиб борган олимлардан Х.Қурбонов<sup>4</sup> ўз изланиш тадқиқот ишларида бюджет даромадаларини оширишни ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

БМИнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. БМИ мавзуси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бежарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** - давлат молиясини ислоҳ қилиш шароитида Ижтимоий Сиёсатни ривожлантиришнинг молиявий муаммоларининг назарий, амалий, метадологик асосларини, шунингдек, унинг асосий элементлари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Мавзунинг асосий мазмунини ёритишда ва танлаб олинган тадқиқот йўналишини ёритишда қуйидагилар асосий вазифалар қилиб белгиланди:

---

264с.; Коровлева Н.В. Бюджетно-налоговая политика-как проявление экономической политики. Региональный аспект. 2-изд. Сыктывкар: Изд. Сыктывкарского Гос. Унив-та, 2000. 196с.

<sup>3</sup> Азизова И.А. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш. – Т.: 2010. – 152 б.; Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: Iqtisod-moliya, 2008. -287б.; Ваҳобов А., Маликов Т. Молия. Дарслик. – Т.: Ношир, 2011. – 712 б.; Зайналов Ж.Р., Хусанов Б.Ш., Раупов Д.У. - «Давлат бюджети» фанидан Ўқув-услубий мажмуа: СамИСИ, 2013. 1203 бет.; Зарипова И. Р. Хафизова В.Р. История развития и современной состояние межбюджетных отношений в России. –Уфа: ГП Принт. 2001. -181с.; Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011. – 472 б.; Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. – Т.: Молия, 2009.; Срожиддинова З.Х. Ваҳобов А.В., Сиддиков Ж.Р. Государственный бюджет Республики Узбекистан. Учебное пособие. Т.: ТФИ. 2001. 107с

<sup>4</sup> Қурбонов Х. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Тошкент: 2010. - 24б.

➤ давлатни ижтимоий соҳаларга йўналтирилган сиёсатни молиявий таъминотнинг асосларини ўрганиш;

➤ ижтимоий соҳа харажатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш;

➤ ҳозирги шароитда ижтимоий сиёсатни молиявий масалаларни ҳал этишда замонавий ёндашув масалаларини аниқлаш;

➤ ижтимоий соҳаларда бюджет маблағларидан фойдаланиш сиёсатига илмий таклифлар ва амалий тавсиялар бериш.

**Тадқиқот объекти сифатида** - давлат молиясини бошқариш органларининг, хусусан, Самарқанд вилояти Тойлоқ туман ҳокимлиги Молия бўлими юзасидан амалий фаолият танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети сифатида** - бевосита ўрганиш бўлиб унда Давлат бюджетининг Ижтимоий Сиёсатни ривожлантиришнинг молиявий муаммолари билан боғлиқ муносабатлар тизимини ташкил қилади.

#### **Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:**

➤ ҳозирги шароитда ижтимоий сиёсатни ривожлантириш орқали бюджетдан ижтимоий харажатларни иқтисодий моҳиятининг очиқ берилганлиги;

➤ ижтимоий соҳаларда бюджет маблағлардан самарали фойдаланиш аҳамиятининг аниқланганлиги;

➤ ижтимоий йўналтирилган сиёсатни ривожлантиришни молиявий муаммоларни ва уни оптималлаштириш имкониятлари такомиллаштирилган шакллارининг ишлаб чиқилганлиги ва амалиётда қўллаш бўйича амалий тавсияларнинг берилганлиги билан белгиланади.

#### **БМИ илмий янгилиги:**

➤ давлат харидини ташкил этишда маълумотлар очиқ-ойдинлигини таъминланиши бўйича муаллифлик таклиф берилди;

➤ давлат харидини амалга оширувчи давлат субъектлари ваколатларини тартибга солиш юзасидан таклифлар берилди;

➤ харидни режалаштириш ва тартибга солиш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

➤ маҳсулотлар етказиб берувчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш юзасидан таклифлар берилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фойда солиғининг бюджет даромадларидаги барқарорлигини такомиллаштиришга уларни жорий элментининг илмий концепциясини ишлаб чиқишга асос бўлиши билан белгиланади. Тадқиқот жараёнида олинган илмий хулосалар ва тавсиялар, “Молия”, “Молия ва солиқлар”, ва “Давлат бюджети” каби фанларини ўтишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. БМИнинг таклиф ва тавсиялар Тойлоқ туман ҳокимлиги молия бўлими (26 май 2018 йил) томонидан амалиётга қўллаш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. БМИнинг асосий хулоса ва натижалари республика илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён қилинган ва мақулланган.

БМИ СамИСИ “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг мажлисида муҳокамадан ўтган ва ҳимояга тавсия этилган.

БМИ тузилиши ва ҳажми. БМИ таркибий жиҳатдан кириш, тўрт боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг умумий матни 63 бет бўлиб, унда 3 та жадвал, 3 та расм, 2 та чизма ва 1 та диаграммалар мавжуд.

## **I-БОБ. ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ БЮДЖЕТДАН ИЖТИМОЙ ХАРАЖАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ АҲАМИЯТИ**

### **1.1. Давлатни ижтимоий соҳаларга йўналтирилган сиёсатни молиявий таъминотни аҳамияти**

Давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари фақат ижтимоий эмас, балки иқтисодий аҳамиятга эга бўлиши ҳам лозим, жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради, чунки давлат амалга ошираётган, аҳолининг ҳамма қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий фаолият натижалари ижтимоий соҳа орқали рўёбга чиқади.

Инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан вазифанинг ижобий ҳал этилиши айнан ижтимоий-маданий соҳалар тараққиётига боғлиқдир. Шунинг назарда тутган ҳолда, ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий соҳаларда ислохотлар амалга оширилмоқда, албатта, уларни молиявий таъминланмоқда.

Республикамизда кейинги йилларда «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Соғлом авлод йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Обод маҳалла йили», «Меҳр-мурувват йили» деб эълон қилинганлиги ва бу борада қатор чора-тадбирларнинг ўтказиб келинганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Президентимиз таъкидлаганларидек, «қабул қилинган ижтимоий дастурларни, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини аниқ тарзда қўллаб-қувватлаш, Соғлом авлодни тарбиялаш, «Обод маҳалла йили» ва бошқа дастурларни рўёбга чиқариш асосида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлиги ва аниқ тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш лозим»<sup>5</sup>.

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов маърузаси. 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2003-йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари. //Ишонч газетаси. 2003 йил 19-феврал.



Инглиз иқтисодчиси Ж.Кейнс мактаби тарафдорлари айтадики, бозор иқтисодиёти ички зиддиятлари билан беқарордир. Бозор иқтисодиётини барқарорлаштириш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Кейнсчиларнинг фикрича, давлат иқтисодиётга фаол аралашishi лозим, айниқса, жами товар ва хизматнинг талаб ва таклифни тартибга солиб туриши керак. Мисол учун, агар ишлаб чиқаришнинг пасайиш тенденцияси бошланган бўлса, солиқларни камайтириш, давлат харажатларини кўпайтириш лозим. Бундан асосий мақсад жами таклифни кўпайтиришдан иборат. Агар иқтисодиёт гуркираб ривожланаётган, баҳо ўсиб бораётган бўлса, давлат солиқларни кўпайтириши, давлат харажатларини камайтириши лозим бўлади.

Демак, мураккаб иқтисодий шароитда ижтимоий йўналишдаги харажатлар катта миқдордаги маблағларни талаб этади. Лекин, бозор иқтисодиётининг энг жиддий муаммоларидан бири бўлган - ишсизлик, инфляция, кам таъминланганлик, меҳнатга лаёқатсизлик келтириб чиқарадиган мушкулликларни ҳам ижтимоий йўналишдаги пухта ишлаб чиқилган дастурлар асосида барҳам бериш мумкин бўлади»<sup>6</sup>. Хорижий иқтисодчилардан Пол Самуэлсон «давлат хусусий тадбиркорлар кириша олмайдиган ёки киришишни хоҳламайдиган айрим товарларни ишлаб чиқаришни ва хизматларни кўрсатишни ўз зиммасига олиши керак» деган хулосага келди, у давлатнинг аҳоли учун уй-жой қурилиши дастурларини молиялаштиришни ва озик-овқат ёрдамини қашшоқликни камайтириш усули сифатида қўллаб- қувватлайди.

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда реал маҳсулот ишлаб чиқариш суръати аҳоли ўсиш суръатига қараганда бир неча марта ортиқ. Кейинги юз йил давомида аҳолининг турмушида эришилган даража, бутун инсоният тарихи давомида эришилган натижадан кўпдир. “XIX аср бошидан

---

<sup>6</sup> Қосимова Г. Ижтимоий инвестициялар самараси. //Бозор, Пул ва Кредит. 1999 йил июл-август. 78 б.

планета аҳолиси беш марта ўсди, техника тараққиёти туфайли аҳоли жон бошига туғри келадиган даромад ундан кўпроқ бўлди»<sup>7</sup>.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бюджетнинг асосий вазифалари миллий даромадни тақсимлаш, иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш ва тартибга солиш, ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлаш ва давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш ва марказлаштирилган пул жамғармаларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланишнинг молиявий назоратини амалга оширишдан иборат. Чунки, бюджетда кўзда тутилган тадбирлар ва дастурларни аниқ ва ўз вақтида молиялаштирилиши айтилган пайтда давлат дастурларининг ҳам пировард натижада тўлиқ бажарилишини таъминлайди. Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишга эса самарали назорат тизимини шакллантирмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Шундай қилиб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ислохотларни «ижтимоий ларзаларсиз» яқунлаш бевосита ижтимоий-маданий соҳаларга жиддий ёндашишни талаб этди. Ижтимоий-маданий муассасалар фаолиятининг натижаларини баҳолашда янгича ёндошув ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ижтимоий соҳалар тараққиётигина ижтимоий зиддиятларни ва муаммоларни ҳал эта олади. Ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлаш манбаларини белгилаб олиш, шунингдек, ижтимоий-маданий соҳаларга давлат томонидан ажратилаётган молиявий захиралар миқдорини илмий асослаб бериш ижтимоий соҳалар ривожланишининг имконини яратади.

Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви даврида инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтириш борасида ижтимоий хизматларни ривожлантириш, маданиятни ошириш, жисмоний тарбияни

---

<sup>7</sup> Доклад о мировом развитии 2000/2001 года. М. Вес мир. 2002. 51-стр

яхшилаш, аҳолини меҳнат билан бандлигини таъминлашга қаратилиши керак бўлади.

Шундай қилиб, ижтимоий соҳаларни молиялаштириш ва ижтимоий зиддиятларни ҳал қилишда бюджет муҳим рол ўйнайди, бу эса ўз навбатида бюджетнинг тақсимлаш ва ижтимоий ҳимоя функцияси асосида унга юклатилган вазифа ҳисобланади. Иқтисодий ислохотларнинг эркинлашуви шароитида ҳам давлат бюджетдан бевосита ўз фаолиятини амалга ошириш ҳамда ижтимоий сиёсатни олиб боришнинг молиявий таъминотида муҳим дастак сифатида фойдаланади.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга бюджетдан ташқари манбалардан маблағларни жалб этилиши, фақатгина, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш зарурияти туфайли келиб чиқмаган, балки у умумжаҳон тажрибаларига асосланади.

Шу муносабат билан давлат бозор талаблари асосида, ижтимоий соҳаларни молиялаштириш жараёнида мазкур соҳага ресурслар кўйиш масъулиятни ўз зиммасида сақлаган ҳолда, ижтимоий соҳаларни молиялаштиради.

## **1.2. Ижтимоий соҳа харажатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатнинг асосий йўналишлари**

Ушбу босқичдаги ва иқтисодий ривожланган мамлакатлар шу каби катор салбий муаммоларга дуч келмоқда. Лекин уларда болаларга нафақалар беришдан тортиб токи пенсия тизимларигача бўлган, бундай таъсирнинг кучини қирқишга ёрдам берадиган ижтимоий таъ- минотнинг ялпи камровли шакллари мавжуд. Бироқ саноати ривожланган мамла- катлар ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими, айниқса, ишсизларни моддий қўллаб- қувватлаш зарурлигини ҳисобга олганда, муайян қийинчиликни бошдан кечирмоқда.

Ижтимоий ҳимоялаш тизимининг ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими томон трансформацияланиши ривожланган мамлакатлар тарихий эволюциясининг натижаси бўлмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни барқарорлаштириш аҳолини ижтимоий ҳимоялаш замонавий тизимининг асосий функциясидир.

Чунончи бозор иқтисодиёти ривожланган жамиятда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш барқарорлиги бош муаммолардан биридир. Шу сабабли, ижтимоий барқарорлаштирувчи омиллардан фойдаланиш ва ишлатиш туфайли жамиятнинг бутун ижтимоий-иқтисодий тизими мавжуд шароитларда зарур кўрсаткичлар доирасида ишлайдиган ўзига хос механизмларни шакллантириш муаммоси юзага келади. Масалан, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос «ишсизликнинг табиий даражаси» бўлади. Ушбу даража қийматлари турли мамлакатларда турлича бўлади. Шундай бўлсада, у мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига тахдид соладиган тусда бўлмайди.

Ижтимоий ҳимоялаш тизими айтиш шундай мураккаб ижтимоий стабилизаторлардан биридир. Айтиш мумкинки, у иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада салбий ҳодисалар ривожланишига йўл қўймайдиган асосий стабилизатордир.

Ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири сифатида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ўтиш даври иқтисодиётида алоҳида роль ўйнайди. Ижтимоий сиёсатнинг ўзи ҳар қандай давлат ички сиёсатининг энг муҳим элементларидан бири бўлади. У мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш билан ҳамда жамиятни ривожлантириш аниқ босқичининг хусусиятларига қараб ишлаб чиқилмайдиган ва амалга ошириладиган давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари мажмуи билан узвий боғлиқдир. Анъанавий тарзда ижтимоий сиёсат аҳолини ва аввало, унинг ижтимоий жиҳатдан энг ночор қисмини ижтимоий ҳимоялаш тушунчаси билан боғлиқ. Ижтимоий сиёсат ўзаро алоқалар ва ўзаро боғлиқликларнинг шундай мураккаб

тизимидирки, уларнинг ялписи давлатнинг ўз фуқароларига нисбатан олиб борадиган аниқ ҳаракатларида амалга ошади. Меҳнат муносабатларини тартибга солиш; даромадлар ва иш ҳақи сиёсатини амалга ошириш; пенсиялар тизимини шакллантириш ва аҳоли айрим гуруҳларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш шулар жумласига киради.

Ҳозирги вақтда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими давлат томонидан белгиланадиган ва фаолият тури ёки мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ижтимоий кафолатлар мажмуи бўлмоқда. Ушбу кафолатлар мамлакатнинг ҳар қандай фуқаросини (бир қатор ҳолларда эса ҳар қандай яшовчисини ҳам) ишсизлик, даромадлардан маҳрум бўлиш ёки даромадларнинг кескин камайиши, касаллик, бола туғилиши, ишлаб чиқаришда шикастланиш ёки касб касаллигига чалиниш, ногиронлик, кексалик, боқувчисидан ажралганлик ва ҳоказолар оқибатидаги иқтисодий ва ижтимоий таназзулдан ҳимоя қиладиган чора-тадбирлар тизими булади.

Ижтимоий сиёсатни ривожлантиришга имконият яратиш замонавий амалиёти дунёдаги турли мамлакатларда ўзининг муайян хусусиятларига эга. Лекин уларнинг кўпчилигида ижтимоий дастурларни амалга оширишда даромадлар, иш билан бандлик ва бошқа ижтимоий хусусиятлар даражасидан қатъи назар, мамлакат барча фуқароларини ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлар билан қамрашни амалга келтирадиган аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг ялпи тусидаги, шунингдек аҳолининг турли ижтимоий демографик гуруҳ ва катламларига табақалаштириб ёндашилаётганлиги кўзга ташланмоқда.

### **1.3. Ҳозирги шароитда ижтимоий сиёсатни молиявий масалаларни ҳал этишда замонавий ёндашув масалалари**

Ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган сиёсат доимо диққат марказимизда бўлиб келган. Ижтимоий масалалар таркибида асосий ўринни

аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш муҳим соҳа бўлиб келган. Ҳозирда ҳам айнан шундай масалалар кун тартибда турибди. Ижтимоий муаммоларни ҳимоялаш илгарги тизимнинг бозор иқтисодиёти шароитига мослаштирилиши туфайли трансформацияланиши турли мамлакатларда турлича кечмоқда.

Ижтимоий ҳимоялаш тизимини яратишга худди Ўзбекистондагидек биринчи даражали аҳамият берилган мамлакатларда ислохотларнинг кўплаб ижтимоий-иқтисодий оқибатлари кўнгилдагидек кечмоқда. Лекин бу мазкур муаммолар батамом ҳал қилиниб бўлинди, дегани эмас. Бунинг устига, Ўзбекистоннинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ҳолати иқтисодчи олимлардан янги, ностандарт ечимларни талаб қилмоқда.

Худди шу ўринда, бизнингча, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича ёндашувлар масаласида ҳам, ҳозирги иқтисодиёт фанда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўналишида киритилаётган ижтимоий муносабатларни юзага келтириш масаласида ҳам Ўзбекистоннинг бой тарихий тажрибасига диққат эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Баъзи тадқиқотчилар, ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тушунчасини «ижтимоий ҳимоялаш» атамаси билан бир хил маънода тушунадилар ва ушбу атаманинг пайдо бўлиши замонавий бозор иқтисодиётининг қарор топиши билан XX асрнинг бошларида юзага келганлигини таъкидлайдилар. «Ижтимоий ҳимоялаш» атамасининг ўзи ҳақида гап кетганда албатта, бу фикрга қўшилмай бўлмайди. Лекин ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳодисаси анчагина аввалроқ пайдо бўлган ва у узок тарихга эга.

Биргина мисол сифатида Амир Темур тузукларини келтириш мумкин. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Шарқ иқтисодий тафаккури айна Амир Темур ҳукмронлиги даврида айниқса, жадал ривожланган. Маълумки, Амир Темурнинг давлатни бошқариш фаолияти чуқурроқ ўрганилиши керак. У ўз салтанатининг мукамал давлат тузилишини, яхши

ишланган қонунлар тизимини яратади. Улар орасиде эндиликда «ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш» деб номланаётган соҳага бевосита таалуқли бўлганлари ҳам бор. Чунончи у ўз «Тузук»ларида мамлакатларнинг халқларини бошқариш, мауқаддас зотлар ва ислом йўлбошчиларининг сағаналарини сақлаш, вақфлар очиш ва закотлар бериш, забт этилган мамлакатларда барча қашшоқларни тўплаб, уларга кундалик овкат ҳамда маошлар берилсин, деб кўрсатма берганини маълум қилади. Амир Темур фукародан солиҳ йиғиш, тартиб ўрнатиш ва давлатни обод қилиш, унинг равнақ топиши ва хавфсизлиги тугрисидаги кўрсатмалар берган, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда мачит, мадраса, хонақолар, карвонсаройлар, беморлар учун шифохоналар қуриш ва уларга ҳакимлар тайинлашни буюрган.

Афсуски, ушбу тарихий тажрибанинг кўплаб аниқ жиҳатлари ҳали илмий адабиётларда ҳам кенг ёритилган эмас. Иқтисодчилар бу хусусда умумий тасаввурга эга, холос. Ушбу буюк меросни чуқур ўрганиш барча замонларда ҳам умуминсоний қадриятлар, шу жумладан, ҳозирги иқтисодий фанда «ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий мададлаш» деб таърифланаётган ижтимоий муносабатлар мавжуд бўлганини тушуниб олишга ёрдам беради. Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсати аввало ижтимоий ҳимоя тизимидан мустаҳкам ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига ўтиш борасидаги аниқ тажрибасини ўрганиш ҳам асосий вазифадир. Ижтимоий ҳимоялаш сиёсати аввало ижтимоий ҳимоялаш тусини шакллантириш муаммосига нисбатан замонавий ёндашувлар масаласига келсак, шуни таъкидлаш жоизки, Европа иқтисодий тафаккурида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш муаммоси анча кейин пайдо бўлган.

Европада ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ғояларини ишлаб чиқишга муайян уринишлар бўлган. Улар барчага маълум бўлганлиги сабабли, бу борада тадқиқотлар яратган Европа

иқтисодчиларининг номлари ва уларнинг қарашлари таҳлиliga мурожаат қилмай, қуйидаги жиҳатларнигина таъкидлаб ўтмоқчимиз. Ҳозирги тушунчадаги ижтимоий ҳимоялаш масалалари Давид Рикардодан тортиб, Нобел мукофоти лауреатлари бўлган олимлар томонидан ҳам ишлаб чиқилган. Уларнинг қарашларида XVII-XX асрлардаги Европа тарихининг хусусиятлари акс этган. Бу жиҳатдан олиб қараганда, бозор муносабатлари кенг ривожланиши ва саноатлаштириш жараёнларининг тугалланиб бориши шароитида Фарбдаги ривожланган мамлакатларда XIX аср охирига келиб, ижтимоий - меҳнат соҳасида жиддий қарама - қаршиликлар юзага келди. Бу шунинг учун ҳам рўй бердики, либерализм концепцияси ҳукмронлиги шароитида давлат бу йўналишда фаол ҳаракатларни амалга оширгани йўқ.

Бундан, албатта, баъзи хилдаги кафолатлар ва қўллаб-қувватлашлар мустасно. XIX аср охири - XX аср боши меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш замонавий тизимлари шаклланишининг биринчи босқичи бўлди. Ушбу даврда ижтимоий қонунларни ишлаб чиқиш амалга оширилди, ижтимоий суғурта ва меҳнат муҳофазаси тизимларини шакллантириш, ижтимоий ҳимоя молиявий негизини яратиш принциплари белгиланди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бир қатор мамлакатларда шундай қонунлар қабул қилиндики, улар асосида бутун аҳолини ва иш ҳақидан маҳрум бўлишнинг барча ҳолларини қамрайдиган ижтимоий суғурта ва таъминот ягона тизими пайдо бўлди. Ялпи бепул тиббий хизмат кўрсатиш жорий этилди. Ишлаб чиқаришда ижтимоий инфратузилмалар тезда яратилганлиги, меҳнатни ҳимоялаш, иш билан банд этиш давлат ва жамоа профессионал дастурлари амалга оширилиши, ижтимоий ва тиббий суғурта тизимлари юзага келиши буларнинг энг муҳим натижаси бўлди. XX асрнинг сўнгги ўн йилида ривожланган мамлакатлар иқтисодиётларида янги рақобат шароитлари вужудга келиб, уларда савдонинг эркинлашиши, тобора реалистик тусдаги алмашилиш курслари ўрнатилиши, давлат корхоналари хусусийлаштирилишига мослашиш жараёнлари кечди. Бу жараён эса,



иқтисодий ҳаётда бозор кучларининг жуда кенг эркинлигига йўл беради. Натижада, кўп ҳолларда катта ижобий натижаларга эришилди: инфляция пасайди, тўлов балансидаги танқислик камайди, корхоналар ишининг умумий самарадорлиги ошди. Лекин айти чоғда муҳим ижтимоий нуқсонлар ҳам, айтиқса ишсизлик даражаси ошиши ва аҳолининг камбағал табақаларига кўрсатишлари лозим бўлган қўллаб-қувватлашнинг сусайиши ҳам юзага келди. Уларни бартараф этиш лозимдир.

## II-БОБ. ИЖТИМОЙ СОҲАЛАРДА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ АҲАМИЯТИ

### 2.1. Ижтимоий соҳаларда бюджет маблағларидан фойдаланиш сиёсатини ҳолати

Ижтимоий сиёсатни ривожлантиришга қаратилган ғазначилик хизмати институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бюджет маблағларидан ижтимоий соҳаларга фойдаланиш самарадорлигини анча оширади. Бу борада Молия вазирлиги ҳузурида янги ташкил этилган Ғазначилик тузилмасининг моддий-техник базасини барча поғоналарда мустаҳкамлаш, уни малакали кадрлар билан таъминлаш, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳасида бюджет ташкилотларини молиялаш механизмини янада такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар...»<sup>8</sup> амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджети ғазна ижроси тўғрисида» ги Қонунига мувофиқ, ғазначиликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:<sup>9</sup>

- Давлат бюджетининг ғазна ижроси;
- Давлат бюджети маблагларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;
- Давлат бюджети маблағларини бошқариш, Ягона ғазна ҳисобварағини ва ҳудудий ғазна ҳисобварақларини юритиш;
- Бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган шартномасини, шунингдек, буюртмачининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузилган шартномасини мажбурий рўйхатдан ўтказиш;
- Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;
- Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ахборотини йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва ҳисобот тузиш;

<sup>8</sup> Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш-асосий вазифамиз.-Т.: Ўзбекистон, 2004.- 4-бет.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджети ғазна ижроси тўғрисида» ги Қонуни. 7-модда. Ғазначиликнинг асосий вазифалари.

- Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат курсатиш, Ўзбекистон Республикасининг кафолатларини ижро этиш;

- Давлат бюджетда қайси юридик ёки жисмоний шахслар учун маблағлар назарда тутилган бўлса, ўша юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш.

Молия тизимида ижтимоий соҳадаги бюджетдан маблағ олувчиларнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан ўзаро муносабатларидаги дастлабки назорат тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлат бюджети ғазна ижросида давлатнинг молиявий назоратини кучайтириш бюджетдан маблағ олувчиларнинг маҳсулотлар (хизматлар, ишлар) учун давлат харид нархларини самарали шакллантириш тартибини тубдан ўзгартириш, бюджетдан маблағ олувчиларнинг юридик ва молиявий мажбуриятларини бошқариш ишларининг ривожланишига қулай имконият яратади.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат хариди бюджетнинг ижтимоий харажатлар қисмида катта салмоқни эгаллайди, шу билан бирга, иқтисодиётни бошқаришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Кўплаб мамлакатларда давлат хариди жараёнида янги технологиялар амалиётга жорий этилмоқда. Айтиш мумкинки, барча мамлакатларда давлат хариди тизимида кизиқиш юқориликча қолмоқда, давлат харидини ташкил этиш муаммолари ҳар доимгидек долзарб ҳисобланади.

Давлат хариди - бу давлат эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматларни қисман ёки тўлиқ давлат маблағлари эвазига сотиб олишдир. Ўзбек тилидаги «харид» атамаси (procurement- прокюрмент) «сотиб олиш» маъноси билан бир хилда ишлатилиб, замонавий тушунчаларда маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларни маълум ҳақ эвазига олиш демакдир.<sup>10</sup>

Давлат томонидан бу харидлар (жиҳозлар, озиқ-овқатлар) умумжамиyat эҳтиёжлари учун ва аҳоли талабини таъминлаш мақсадида ҳамда захира учун

---

<sup>10</sup> Бурхонов У. Давлат хариди. Ўқув қўлланма. -Т.: Info com.uz МЧЖ, 2010. -10 бет.

(буғдой ва озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) амалга оширилади.<sup>11</sup>

Давлат буюртмаларининг шартнома-харид тизими ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш мамлакатда шартнома тизимининг асосий қисми ҳисобланиши кўрсатилган. Давлат харидини ташкил этиш ва амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги 454-сонли «Давлат эҳтиёжлари учун озиқ-овқат етказиб беришни Танлов асосида ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори ва унга илова қилинган «Давлат эҳтиёжлари учун импорт озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш тендерларини ўтказиш тартиби», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 8 апрелдаги 136-сонли «2000 йил давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинган озиқ-овқатнинг асосий турлари тўғрисида»ги Қарори ва унга илова қилинган «Ижтимоий-соҳа ташкилотлари, махсус истеъмолчилар давлат захираси учун асосий озиқ-овқат билан таъминлаш тартиби», Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 16 сентябрда рўйхатга олинган 2007-сонли «бюджетининг ғазна «ижроси қоидалари» ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади. Озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлайдиган, қайта ишлайдиган ва маҳсулотларни етказиб берувчилар билан шартнома тузадиган давлат харидини амалга оширувчи ташкилотлар ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий, ташкилий механизмларни ҳамда давлат муносабатларининг ижтимоий йўналишларини ифода этади. Давлат хариди тизими давлат харидини ташкил этиш жараёнлари, ижтимоий жараёнлар давлат хариди тамойиллари, объектлари ва субъектларидан иборат (2.1. Расм). Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни харид қилишни ташкил этиш жараёни

## 2.1. Расм

<sup>11</sup> <http://mirslovarei.com/content.eco/GOSUDARSTVENNYE-ZAKUPKI-45359/html>.



### **Ижтимоий соҳаларни талабини қондиришда Давлат хариди тизими.<sup>12</sup>**

Шартномалар тузиш ва маҳсулотлар етказиб беришда муҳим саналади. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни харид қилишни режалаштиришда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) га бўлган талаб асосланади. Стратегик аҳамиятга эга ва ўта муҳим маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) аниқланади. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиб олишда харид қилинадиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) бозорини таҳлил қилиш натижаларига, маҳсулотнинг нархи ва сифатига, товар етказиб берувчининг ишончилигига таянади.

<sup>12</sup> Бурхонов У. Давлат хариди. Ўқув қўлланма. -Т.: Info com.uz МЧЖ, 2010. -10 бет.

## **2.2. Ижтимоий соҳаларда бюджет маблағларидан фойдаланиш сиёсатини амалга оширишда давлат иштирокини таъминлаш услублари**

Товар ва хизматлар нархини белгилаш ва нархни шакллантириш жараёнлари давлатнинг иқтисодийга билвосита аралашуш услубларидан ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш йўлларида биридир. Нарх шартнома асосида берилган ёки сотилган маҳсулотлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) га тўловни амалга оширишга ва молиявий мажбуриятни бажаришга таъсир кўрсатади. Келишилган нархнинг пайдо бўлишига келишувда маҳсулотнинг хусусияти, рақобатбардошлиги, бозорда талаб ва таклифнинг нисбати, мамлакатда давлат томонидан тартибланишнинг хусусиятлари, бозор монополияси каби қатор объектив ҳолатлар таъсир этади. Шунингдек, танлаш, бозор маркетинги, шартнома тузилган сана, жой ва шартномани тузиш воситалари, товар етказиб берувчиларнинг тижорат билими ва бозор конъюнктурасида фойдаланиш тажрибаси ҳамда савдолашуш маҳорати каби субъектив ҳолатларнинг таъсири мавжуд.<sup>13</sup>

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишда, ташкил этишда асосий Давлат харидлари тизими томонидан ижтимоий аҳамиятга мойил бўлган давлат харидлари ҳам алоҳида ифодалаб ўтиш лозимдир.

Ўзбекистонда бюджет ташкилоти сотиб олмақчи бўлган ижтимоий аҳамиятга эга товарлар (ишлар, хизматлар) нархи муқобил етказиб берувчилар нархлари билан таққосланади. Муқобил етказиб берувчилар тўғрисида маълумот тўплашнинг турли усулларида фойдаланилади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 16 сентябрда рўйхатга олинган 2007-сонли «Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари»га мувофиқ, бюджет амалиётида ўрнатилган тартиб бўйича маҳсулот етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тендер савдолари ва танлов ўтказишда рақобатчилар томонидан таклиф этилган маҳсулот сифати ва нархларини ўрганиб чиқиб, маъқул бўлган сифат ва нархда маҳсулотлар сотиб

---

<sup>13</sup> <http://creditukraine.com./dict/ce/html>

олиш бўйича шартномалар имзоланиши мумкин. Лекин бюджет амалиётида айрим ҳолларда рақобатчилар таклифлари юзаки ўрганилган ҳолатлар учрамоқда.

**Масалан**, бир бюджет ташкилоти томонидан тақдим этилган учта таъминотчи корхонанинг рақобат варақаси доирасида шартномалар рўйхатдан ўтказилади. Айрим ҳолларда айнаи бир турдаги сотиб олинаётган товарлар нархи учала рақобатчи томонидан келишилган ҳолда юқори баҳоланиб, улардан бири қолиб деб топилиб, шартнома имзоланган бўлса, бошқа бюджет ташкилоти томонидан айнаи шу маҳсулот бошқа рақобатчилар таклифи асосида унга нисбатан паст нархда харид қилинган.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий соҳа муассасаларида харид фаолиятини тўғри ва самарали ташкил қилиш учун маҳсулотлар (хизматлар, ишлар) харид қилиш жараёнини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси жараёнида нарх мониторинги катта аҳамиятга эга. Бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланишининг олдини олади, бюджет харажатларининг ортиқча сарф-харажатларини камайтиради. Бюджет маблағларини иқтисод қилиш учун маҳсулотларни воситачиларсиз, айнан ишлаб чиқарувчиларнинг ўзидан, четдан келтириладиган товарлар эса бсвосита импортердан сотиб олиниши нархлар ошишининг олдини олади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижтимоий соҳада ижтимоий харидларни чекланган бюджет маблағларидан манзилли фойдаланиш Давлат бюджетини бошқаришнинг барча босқичларининг асосий тамойили, десак муболаға бўлмайди. Давлат бюджети маблағларини мақсадли тақсимлашнинг доимий молиявий мақсадли бюджетдан маблағ олувчиларнинг мажбуриятларини самарали бошқариш муаммолари, нархлар мониторингини кучайтириш, ўз навбатида, бюджет ташкилотлари учун озиқ-овқат маҳсулотларининг харид нархларини самарали шакллантиришидан иборат.

Ғазначиликнинг ҳудудий бошқармалари ва бўлинмалари томонидан бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харид қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг назорати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан

тақдим қилинадиган асосий истеъмол маҳсулотларининг ойлик ўртача нархлари тўғрисидаги маълумот асосида олиб борилади (1-жадвал).

Жадвалда Тойлоқ тумани ички бозорларидаги асосий истеъмол маҳсулотларини бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларга сотилишида фойдаланиладиган энг юқори харид нархлари тўғрисида маълумот берилган.

(2.1-жадвал)

Са ма рқ ан д ви ло ят и То й ло қ ту ма ни ич ки боз ор ла ри да бел	№	Озиқ-овқат маҳсулотлари турлари	Нархи (сўм)да
	1	Ун, маҳаллий - биринчи нав (кг)	1700
	2	Нон (0,600 гр)	1400
	3	Гуруч (кг)	6000
	4	Пахта ёғи, қадокланмаган (кг)	9000

гиланган энг юқори харид нархлари (2018 йил 1 июндан).<sup>14</sup>

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Тойлоқ туман ҳокимлиги молия бўлимининг 2018-йил 1-июндаги маълумотлари асосида тайёрланди.



	5	Сариёғ, маҳаллий (кг)	32000
	6	Шакар (кг)	5500
	7	Мол гўшти (кг)	36000
	8	Қора чой, қадокланмаган (кг)	35000
	9	Кўк чой, қадокланмаган (кг)	30000
	10	Тухум (дона)	500
зоҳ	11	Картошка (кг)	2700
*	12	Сабзи (кг)	1200
Ма	13	Пиёз (кг)	1200
зку			

р нархлар 2018 йилнинг 1 июнидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан келгуси нархлар бўйича маълумотлар етказилгунга қадар ўз кучида қолади.

Мазкур нархлар Тойлоқ туманида жойлашган Республика бюджетидан молиялаштириладиган маҳаллий бюджетидан маблағ оладиган муассасаларини янгидан тузилган шартномаларни Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказиш жараёнида фойдаланилади. Бунда нон маҳсулотларининг нархи транспорт харажатлари билан белгиланади. Бюджет амалиётида белгиланган ўртача нархларни ҳисобга олган ҳолда Ғазначилик бўлинмаларида ҳисоб- китоб ишлари олиб борилади. Шартномалар ўртача нархлар асосида тузилади, ҳисоб-фактуралар ҳам ушбу нархлар доирасида қабул қилинади, тўловлар мазкур нархлар асосида амалга оширилади. Белгиланган 13 хил озиқ-овқат маҳсулотидан ташқари бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига эса ҳудудий бозордаги ўртача нархлар белгиланади. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан озиқ- оақат маҳсулотларини харид қилиш бўйича тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш жараёнида Молия вазирлиги томонидан тақдим қилинган маълумот- лар кўрсатилган нархлардан ортиқ бўлган нархларда тузилган шартномалар Ғазначилик бўлинмалари томонидан рўйхатга олинмайди.

Бизнинг фикримизча, Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан маҳсулотга белгиланаётган ўртача нархлар маълумоти изоҳига «агар ҳудудий бозор нархлари белгиланган нархларга нисбатан паст бўлса, бозор нархлари маълумот учун қабул қилинсин» жумласини киритиш мумкин. Чунки белгиланган нархлар бир ой муддатга берилган бўлиб, бу вақтда ҳудудий бозор нархлари паст бўлиши мумкин. Бюджет ташкилотлари сотиб олмақчи бўлган товарлар, ишлар, хизматлар нархи муқобил етказиб беруичилар нархлари билан таққосланади Бюджет ташкилотлари озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олмақчи бўлса, ҳудудий бозорлар ўртача нархлари ва улгуржи озиқ-овқат етказиб берувчи ташкилотлариинг тижорат таклифини ҳамда маъқул деб топилган ташкилот шартномасини тақдим этиши талаб этилади. Бюджет маблағи олувчилар томонидан озиқ-овқат сотиб олишда нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган нархлар мониторинги орқали амалга оширилади<sup>15</sup>.

Юқорида курсатилган чора-тадбирлар ҳар қандай ижтимоий соҳа муассасаларига мос келади, самарали давлат харидини ташкил қилиш ва бошқаришга ёрдам беради. Шу билан бирга, ҳар бир бюджет ташкилоти ўз хусусияти ва фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, бажарадиган вазифа ва функцияларига кўра, иқтисодиётнинг қайси тармоғи таркибига киришига қараб, харид фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришда қушимча йўналишлар ва қоидаларни ишлаб чиқиши мумкин. Натижада давлат хариди макроиқтисодий сиёсатнинг самарали воситасига айланади.

Ўзбекистонда Давлат харидининг ҳажми ЯИМ нинг 11 фоизини ташкил этиши, унинг иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омил эканлигини кўрсатади. Давлат хариди ЯИМ нинг шаклланишига тўғридан-туғри таъсир кўрсатади.<sup>16</sup> Тўғри ташкил қилимаган Давлат харидидан фойдаланиш - мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлайди ҳамда долзарб ижтимоий вазифаларни ҳал қилади.

---

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 24-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прагнози ва Давлат бюджети параметирлари тўғрисида”ги 1449-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28-февралдаги Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 594-сонли Қарорига Қўшимчалар киритиш тўғрисида.

<sup>16</sup> О проблемах управления государственными закупками в Республике Узбекистан и направлениях совершенствования. Аналитическая записка. UNDP. Ташкент, 2008.

### **2.3. Ижтимоий сиёсатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга таъсир этувчи омиллар**

Давлат бюджетининг харажатларини самарали ташкил этиш нозик масалалардан ҳисобланади. Чунки, миллиардлаб молиявий маблағларни сарфлаш мумкин, лекин унинг (сарфланган молиявий ресурслар) муайян муддатдан кейин яна солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар шаклида қайтарилиши таъминланмас экан, бунинг нафлилик даражаси паст бўлади. Ўз навбатида, мамлакатда солиқ юкининг ошишига таъсир кўрсата бошлайди.

Давлат бюджети мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини қуйидаги фикрлар ҳам тасдиқлаб турибди:

«Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолди ва умумий харажатларнинг 59,3 фоқзини ташкил этди». Кўриниб турибдики, биргина ижтимоий соҳани ривожлантириш учун давлат бюджети харажатларининг 3/5 қисми йўналтирилмоқда. Ушбу ижтимоий сиёсат Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётини бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтказиш учун қабул қилинган «ўзбек модели» нинг тўртинчи, яъни «Кучли ижтимоий ҳимоя» тамойили ижросини таъминлаш учун хизмат қилмоқда.

Сўнги тўрт йил мобайнида Давлат бюджети харажатларини таҳлил қиладиган бўлсак, маблағлар йўналишида улушлар ҳар хил кўрсаткичларни касб этмоқда. Реал маълумотларга эга бўлиш учун (2.2-жадвал) маълумотларига эътиборни қаратамиз.

## Ўзбекистон Республикаси 2014-2017 йиллардаги Давлат Бюджети харажатлари (млрд сўм)

№	Асосий кўрсаткичлар	2014йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил
	Давлат бюджети харажатлари	21571,5	26312,4	31582,3	37967,7
	шу жумладан:	12777,2	16399,4	18783,4	22457
1	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш	6	7	8,2	10
2	Нодавлат ва нотихорат ташкилотларини ривожлантириш харажатлари	2372	2791,9	3385,3	4119,7
3	Иқтисодиёт тармоқларига харажатлар	1059,3	1300	1500	1800
4	Бошқарув харажатлари	629,2	825,9	1000,8	1199,9
5	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари харажатлари	191,7	287,3	343,7	436,6
6	Тошкент шаҳар, вилоятлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси	70,9	85	91	110
7	Бошқа харажатлар	4465,4	5441,8	6469,9	7834,5
	Бюджет камомоди	-957,6	-1207,5	-1421,5	-1782,9

2.2-жадвал маълумотларидан маълум бўлаяпдики, энг устувор харажат ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлага йўналтирилмоқда. Шу ерда биргина иқтибосни келтириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Президентимиз ўз чиқишларидан бирида ижтимоий аҳамият касб этувчи йўналишлардан бири бўлган кексаларимизнинг турмуш тарзини давр талабларига жавоб беришини таъминлаш учун давлат бюджетида кераклича харажатларни амалга ошириш зарурлигини қуйидаги фикрлари орқали ифода этган; «Хонадонларимиз кўрки бўлган пири бадавлат кексаларимизни ҳар томонлама кадрлаш мақсадида мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзида уларга давлат бюджети ҳисобидан 11 триллион 618 миллиард сўмдан ортиқ пенсия, 105 миллиард сўмдаи зиёд нафақалар тўлангани бунинг амалий тасдиғидир».

Кейинги салмоғи жиҳатдан катта харажат йўналиши бошқа харажалар гуруҳи бўлиб, унинг бюджет харажатларидаги улуши 20,6 фоизни ташкил этмоқда. Миллий иқтисодиётда шундай тармоқлар ҳам мавжудки, зеро улар ўз харажатлари билан ўз даромадларини қоплай олмаса-да, бироқ, умум жамият аҳамиятига молек бўлган хизматларни кўрсатади. Уларнинг мавжудалиги нисбатан кўп қиймат яратиладиган бошқа тармоқлар учун хизмат қилади. Ана шундай тармоқларнинг фаолнятини молиявий таъминлаш ва уларда фаолият юритаётган ишчи ва хизматчиларни ишсиз қолиб кетмаслигининг олдини олиш мақсадида давлат бюджетидан харажатлар амалга оширилади. Шу боис, давлат бюджетининг харажатлар қисмида иқтисодиёт тармоқларига харажатлар гуруҳада акс этган ва 2017 молия йилида унга кетадиган харажатлар улуши жами бюджет харажатларининг 10.9 фоизини ташкил этмоқда Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, бозор иқтисодиёти либераллаша борган сайин мазкур йўналишдаги харажатлар улуши мос равишда пасайиб бориши муқаррар.

2017 йилда жами бюджет харажатларининг 3,2 фоизи бошқарув харажатлари улушига тўғри келмоқда. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, мамлакатимизда бошқарув соҳасига замонавий ахборот информациён технологияларни жорий этиш

ва бошқарув соҳасида малакали кадрлар ишлаши таъминланаётганлиги боис, давлат бюджетида бошқарув харажатларининг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда.

Юқорида зикр этилганидек, бюджетдан ташқари давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳам мавжуд. Шу ўринда давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат жамғармалари ўртасидаги уйғунлик ва тафовутлар сезиларли, лекин улар ичида асосийлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади. Хусусан, уйғунлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, иккаласи ҳам давлат тасарруфида бўлиб, даромадлар ва харажатлари фақат давлат томонидан мувофиқлаштирилиб турилади. Тофовути шундан иборатки, давлат бюджети даромадлари шакилланганидан кейин уни уни турли хил мақсадлар учун қайта тақсимлаш эҳтимоли мавжуд, давлатнинг мақсадли жамғармалари эса қаттиқ мақсадли бўлиб, фақат ўша мақсадга сарфланади ва қайта тақсимланиш хусусияти жуда сезиларсиз бўлади. (2.2. Расм)

## 2.2. Расм



Мамлакатимизда мақсадли жамғармалар тури бир нечта бўлиб, улар ижтимоий-иқтисодий мазмунига қараб уч гуруҳга бўлинади:

- ижтимоий аҳамият касб этувчи жамғармалар (Пенсия жамғармаси, Бандликни кўллаб-қуватлаш жамғармоси, Умумталим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва пшббйёт муассасаларини мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси);

- иқтисодий аҳамият касб этувчи жамғармалар (Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси, Суғориладиган ерларни милиоратив ҳолапшни яхшилаш жамғармаси, Рақобатни ривожлантири., монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича Давлат кумитасининг маҳсус ҳисобрақами);

- бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий ҳам иқтисодий аҳамият касб этувчи жамғарма (Республика Йўл жамғармаси).

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига мос равишда ташкил этилган бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларининг даромад ва харажатларини таҳлил этиш учун 2.3-жадвалга мурожаат қиламиз.

2.3-жадвал маълумотларига таяниб айтадиган бўлсак, йиллар давомида бюджетдан таақари мақсадли жамғармаларининг даромадлари ҳам абсолют суммада, ҳам нисбий суммада ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда ижтимоий - иқтисодий соҳа ва тармоқларга бўлган эътиборнинг юкорилигидан далолат беради.

Аммо иқтисодий аҳамият касб этувчи Ўзбекистон Республикаси тараққиёт ва тикланиш жамғармаси молиявий маблағлари пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 2012 йилга нисбатан 2017 йилда (4747,3-1726.3) 3021млрд сўмга пасайган. Бизнингча, бунга таъсир этган бош омил ҳали-ҳамон қарор топиб турган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсири бўлмоқда.

2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2015-2017 йиллардаги бюджетдан ташқари

№	Асосий кўрсаткичлар	2015 йил	2016йил	2017 йил
1	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги:	26336,6	33842,5	41670,3
	Пенсия жамғармаси,			
	Республика йўл жамғармаси			
	Умум таълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик литцейлар ва тиббиёт муассасаларини мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси			
	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси			
	Бандликни қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармаси			
	Рақобатни ривожлантириш, монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш Давлат қўмитасининг махсус ҳисобрақами			
2	Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси:	2618,5	2335,9	2263,5

давлатнинг мақсадли жамғармалари даромадлари прогнози (млрд. сўм)

**Изоҳ:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрь 1675-сон, 2012 йил 25 декабрь 1887-сон, 2013 йил 25 декабрь 2099-сон ва 2014 йил 4 декабрдаги 2270- сонли Қарарлари ва 2016-2017 йилги маълумотлари асосида тузилди.

Бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларининг харажатларини таҳлил этадиган бўлсак, даромадлар билан харажатлар ўзара мувозанатлашган



ҳолда тасдиқланган, бироқ Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси бундан мустаснодир. Реал маълумотларга эга бўлиш учун 2.4-жадвалга мурожаат қиламиз.

2.4-жадвал маълумотларига қараб айтадиган бўлсак, харажатлар қисмида ҳам даромадлардагидек, молиявий маблағлар йиллар сайин ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Харажатлардаги ҳолатдан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармасида ҳам харажатлар ошиб бориб, 2018 молия йилида 2012 йилга нисбатан (43661,8-1496,8) 2865,0 млрд сўмга ўсиши таъминланиши кўзда тутилган. Ва айти шу ерда Президентимизнинг бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари ҳисобидан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳақида билдирган фикрларига эътибор қаратамиз: «Йўл-транспорт инфратузилмасини тараққий эттириш саноатни жадал ривожлантириш ва унинг салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. 2014 йилда умумий фойдаланиш учун мўлжалланган 540 километр автомобиль йўлини куриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди. 116 километрдан иборат икки поласали йўл кенгайтирилиб, тўрт поласали қилиб қайта курилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрь 1675-сон, 2012 йил 25 декабрь 1387-сон, 2013 йил 25 декабрь 2099-сон, 2014 йил 4 декабрдаги 2270-сон, 2016 йил -декабрдаги – сон, 2017 йил –декабрдаги – сон, 2018 йил прогноз кўрсаткичи.

**Ўзбекистон Республикасининг 2016-2017 йиллардаги Бюджетдан ташқари  
давлат мақсадли жамғармаларининг харажат (млрд сўм)**

№	Асосий кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил
1	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги:	26336,6	33842,5	41670,3
	Пенсия жамғармаси,			
	Республика йўл жамғармаси			
	Умум таълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик литцейлар ва тиббиёт муассасаларини мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси			
	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яқшилаш жамғармаси			
	Бандликни қўллаб- қувватлаш Давлат жамғармаси			
2	Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси:	2618.5	1984.2	2454.5

Бу эса ўз навбатида, ушбу йўлларда қатновни 3 баробар ошириш имконини берди.

Ўтган даврда бу борада кўрилган чоралар натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яқшиланди. Бу жами экин экиладиган майдонларнинг ярмидан зиёди демакдир. Ана шундай ишлар туфайли сизот сувлари энг оғир даражада, яъни 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб

500 минг гектарга ёки учдан бирига камайди, кучли ва ўртача шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга ёки 12 фоизга қисқарди. Мелерация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ошгани бу борада эришилган энг муҳим натижамиздир. Маскур ислоҳот маълумотларидан маълум бўляптики, бюджетдан ташқари давлат жамғармалари мамлакатимизда бир вақтнинг ўзида ҳам иқисодий, ҳам ижтимоий ривожланишга яқиндан ёрдам бермоқда.

## **III-БОБ. ИЖТИМОЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН СИСАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МОЛИЯВИЙ МУАММОЛАРНИ ВА УНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

### **3.1. Ижтимоий йўналтирилган ислохотларни қўллаб-қувватлашни молиявий муаммолари**

Бозор ислохотлари амалиёти кўрсатишича, ислохотларнинг дастлабки йилларида давлат бюджетининг даромадлари кескин қисқаради, ижтимоий ҳимоялаш мақсадларига қилинадиган сарф-харажатлар эса ошади. Чунончи, 1991-1995 йилларда Марказий ва Шарқий Европанинг деярли барча мамлакатларида давлат харажатлари ЯИМнинг тахминан 22,5 фоизи миқдорида камайди, баъзи мамлакатларда эса (Кавказ ортининг собиқ шўро республикаларида) давлат молиялашлари амалда йуқ бўлиб кетди<sup>17</sup>.

Ўзбекистонда бозор ислохотларини амалга ошириш жараёнида яратилган ижтимоий ҳимоялаш тизими, бизнингча, аста-секин юксак ривожланган мамлакатларнинг намунаси бўйича ижтимоий кафолатлар ҳамда ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлаш тизимига айлантирилиши керак. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистондаги аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими умуман олиб қараганда унга ўхшаш ижтимоий институтларнинг ривожланишидаги умумжаҳон тенденцияларини акс эттиради. Айтиш пайтнинг ўзида у мамлакат ривожини хусусиятлари туфайли ўзига хос жиҳатлари билан ҳам ажралиб туради. Шу билан бирга, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоялаш вазифаларини ҳал этиш хўжалик юритишнинг бозор тизимига ўтишдан келиб чиқадиган ҳозирги босқичнинг мураккабликлари билан ҳам боғлиқ. Бундан ташқари, ушбу тизимнинг ривожланиши жараёнларига демографик вазиятнинг мураккаблиги каби ноиқтисодий омиллар ҳам алоҳида таъсир кўрсатади.

Солиқ-бюджет мақсадлари ва ижтимоий ҳимоялаш вазифалари ўртасида объектив равишда юзага келадиган қарама-қаршилик ҳар қандай

---

<sup>17</sup> Ўтиш давридаги қашшоқлик. БМТРД Европа ва МДХ мамлакатлари бўйича минтақавийбюро. 1998 й. 107 бет.

Ўтиш давридаги иқтисодиётнинг ўзига хос хусусияти бўлади. Бунинг маъноси шуки, мавжуд муаммоларнинг баъзилари ресурсларни оқилова тақсимлаш ҳисобига ҳал қилиниши, мавжуд ресурслар умумий ҳажми камайиши, айти пайтнинг ўзида ушбу зиддият эса Ўзбекистон шароитида камбағаллик даражаси ошишига олиб келиши мумкин. Бу ўз навбатида, ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ҳимоялашга эҳтиёжни оширади.

Ислохотлар даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадларига харажатлар анча камайган. Бунинг боиси бюджетдан молиялашнинг имкониятлари камайганлигидагина эмас, балки адресли қўллаб-қувватлашга ўтилганлигида ҳам эди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоялаш харажатлари бюджетдан ва иш ҳақи солиғи ҳисобига молияланадиган бюджетдан ташқари жамғармалардан, шу жумладан, Иш билан бандлик жамғармаси ва Ижтимоий суғурта жамғармасидан амалга оширилади. Ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини молиялашга йўналтириладиган иш ҳақи солиқлари умумий даражаси иш ҳақи жамғармасининг 40 фоизига етмоқда. Ҳозир иш ҳақи солиқларидан Иш билан бандлик жамғармаси орқали тўланадиган ишсизлик нафақалари ва Ижтимоий суғурта бирлашган жамғармасини молиялаш учун фойдаланилади.

Бозор ўзгартишлари жараёнида халқаро тажрибани ҳам ҳисобга олганда бирор меҳнат билан шуғулланиб, ўзини таъминлай оладиганлар учун аста-секин ижтимоий суғурта тизимини жорий этиш зарурияти етилди, объектив сабабларга кўра ишлай олмайдиганлар эса давлат томонидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланишлари керак (ижтимоий ёрдам). Ижтимоий ҳимоялашни ташхил этишнинг Ўзбекистонда маавжуд бўлган тизими ҳозирча ушбу таърифларга тўғри келмайди.

Ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётга ўтишнинг ўзига хос модели асосида ривожланиб бораётган Ўзбекистон бошқа мамлакатлардан, шу жумладан, юксак ривожланган мамлакатлардан қатор ижобий хусусиятлари билан ажралиб туради. Жумладан, кўпчилик мамлакатлардан фарқли ўларок

республикада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ялпи тусда бўлиб, барча фуқаролар ва аҳолининг ижтимоий қатламлари ижтимоий кафолатлар билан қамраб олинган. Бундан ташқари, ушбу тизим болалар, ёшлар, ишлайдиган фуқаролар ва ногиронлар, кексалар ва меҳнатга лаёқатсизларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилади. У шунингдек, инсон фаолиятининг барча соҳаларига - таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат, дам олиш ва ҳоказоларга тааллуқлидир.

Ўзбекистонда амалда бўлган ижтимоий сиёсатни амалга оширишда ижтимоий ҳимоялаш тизими қуйидаги асосий хусусиятлари билан тавсифланади: у оилага, айниқса, кўп болали оилага адресли йўналтирилган бўлиб, барча муҳтож ва жуда муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Ўзбекистонда ижтимоий харажатлар муайян тизими шаклланган бўлиб, ушбу харажатлар бюджетдан амалга оширилади ва бюджетдан ташқари жамғармалар, шу жумладан, иш ҳақи солиғи ҳисобига молияланадиган Иш билан бандлик жамғармаси ва Ижтимоий суғурта жамғармасидан амалга оширилади.

Ҳозирги пайтда ижтимоий сиёсатни манзилга қаратиш ва ижтимоий ҳимоялашнинг адресли йўналтирилганлигини амалга ошириш мақсадида, унинг асосий қисми маҳалла кўмиталари орқали тақсимланмоқда. Улар бериладиган ҳар бир оилага, кишига пул тўловларининг зарурияти ва миқдорини аниқ ўрганиб чиқадилар. Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоялаш тизимини ривожлантириш кўпчилик давлатларда қабул қилинган моделни рўёбга чиқариш йўлидан амалга ошириб борилиши янада ривожлантириб бориш лозимдир (3.1-Расм).

Ўзбекистонда ижтимоий харажатлар муайян тизими шаклланган бўлиб, у қуйидагича амалга оширилади



### **3.2. Ижтимоий эҳтиёжларни ривожлантириш сиёсатни молиявий таъминотини амалга ошириш имкониятлари**

Ижтимоий сиёсат бюджет олдида катта масалаларни ижобий ҳал этиш сиёсатини юритишни таълаб этади. Ижтимоий сиёсатни олдида турган мақсад ва вазифаларини молиявий таъминлашга мўлжалланган пул маблағлари фондини шакллантириш ва харажат қилишдир. Ушбу сиёсат Давлат бюджетидан молиявий таъминлаш сифатида асосий ижтимоий сиёсатни амалга оширади.

Ушбу сиёсат орқали жамиятда яратилган ялпи ички маҳсулот қайта тақсимланади. Бу эса жамиятдаги умумий ижтимоий эҳтиёжларни моддий жихатидан қўллаб-қувватлаш учун сақланадиган давлат захираларининг мавжуд бўлиши зарурияти туфайли келиб чиқади.

Ижтимоий соҳалар иқтисодийнинг катта бир бўлаги ҳисобланади, жамият ва унинг аъзоларига номоддий хусусиятдаги хизмат кўрсатиш вазифасини амалга ошириш билаи шуғулланади. Ижтимоий соҳалар бир қанча шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Биз ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар деганда, «кишиларнинг яшаши, меҳнат қилиши ва маълум иқтисодий мавқега эга бўлиши учун истемол этилиши зарур маҳсулот ва хизматлар мажмуи»<sup>18</sup> ни тушунамиз. Эҳтиёждаги таркибий ўзгаришларига хос қонуният бу саноат маҳсулотларига, фаи-техника ривожини яратган янги маҳсулотларга ва ниҳоят, турли хизматларга бўлган эҳтиёжнинг жадал ўсишидир. Ижтимоий эҳтиёжлар деганимизда энг аввало, биргаликда қондириладиган эҳтиёжларни тушунамиз, бу эҳтиёжларни қондириш учун молиявий маблағлар талаб этилади. Демак бунинг учун зарур жамғармалар ташкил этиш керак. Ишлаб чиқаришни эришилгани даражада сақлаш ва кенгайтириш учун кадрлар зурур, кадрлар мутахассис бўлиши учун соғлом бўлишлари, етарли даражада билим олишлари керак. Бунинг учун етарли даражада таълим, маданият муассасалари зарур ва жисмоний тарбия ҳамда

---

<sup>18</sup> Ўлмасов А.А., Шарифхўжаев М. Иқтисодий назарияси. Меҳнат нашириёти. Тошкент. 1995 йил.



спорт тадбирларини кенгайтириб бориш керак. Шу ўринда айтиш жоизки, меҳнат қила олмайдиган, ногирон, кўп болали оилалар »га ҳам ёрдам талаб этади. Жамият ўз истиқболи учун фан-техника тараққиётини ҳам қўллаб-қувватлаши зарур. Шунингдек ватанни ҳимоя қилиш, мамлакат ичкарисидаги қонун бузарликка йўл қўймаслик ва қатор бошқа эҳтиёжларни таъминлаш керак, уларни таъминлаш эса миллий даромадни қайта тақсимлаш асосида амалга оширилад.

Молиявий ресурсларни тақсимлашда Давлат бюджет сиёсати ҳам асосий рол ўйнайди. Қайта тақсимлаш жараёнида биринчидан, корхоналар ва ташкилотлар, фуқаролардан олинган солиқ ва йиғимлар асосида марказлашган бюджет фонди ташкил этилади. Иккинчидан, шу даромадлар бюджетда кўзда тутилган эҳтиёжларни кондиритиш учун тақсимлаш сиёсати юритилади.

Бюджет давлатнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳаётни бошқариш, муҳофафзани амалга ошириш ва бошқа тадбирлар учун марказлаштирилган пул маблағларини ташкил этиш ва ишлатиш жараёнида вужудга келган юридик ва жисмоний шахслар билан давлат ўртасида юз берадиган муносабатлар мажмуидир». Давлат бюджети асосий марказлаштирилган молиявий ресурслар жамғармаси сифатида ўзига хос ижтимоий аҳамият касб этади.

Бюджет муносабатларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, биринчидан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тақсимлаш босқичида вужудга келади, иккинчидан, марказлаштирилган молиявий ресурсларни шакллантириш ва ундан давлат манфаатлари юзасидан фойдаланишга йўналтирилади. Ўз-ўзидан маълумки, давлат манфаатлари эса бу ижтимоий манфаатлар ҳисобланади, бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий манфаатлар фақатгина давлатдагина ўз ифодасини топади. Бюджет сиёсати орқали жамиятнинг ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилишнинг молиявий дастакларига эга бўлинади.

Давлат бюджети давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида давлат ҳокимиятининг ижтимоий имкониятларини молиявий асосларини ҳам яратади. Ижтимоий сиёсат бюджет харажатларини мақсадли сарфлаш бўлиб, айнан бозор иқтисодиёти шароитида жамиятнинг ижтимоий соҳалардаги давлат ислохатларини амалга оширишнинг асосий сиёсий Дастаги сифатида бюджетнинг сифат белгиларига аниқлик киритишда муҳим аҳамият касб этиши лозим.

### **3.3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маҳаллий бюджети харажатлари тизимида ижтимоий харажатларини оптималлаштириш сиёсатини ривожлантириш муаммолари**


Маҳаллий бюджет-бюджет тизимининг алоҳида бўғини ҳисобланади. Умумдавлат пул маблағларини бюджет бўғинлари ўртасида тақсимлашнинг асосини, маҳаллий бюджетлар мустақиллиги, уларнинг давлат томонидан молиявий кўллаб-қувватланиши. Улар даромадларини ҳудудий манбалар ҳисобига шаклланиши тамойиллари ташкил этади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бюджетлар ҳам мамлакат миллий иқтисодиётини юксалтириш йўлида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Унинг муҳимлиги, авваламбор, унинг қилинадиган харажатлари-ю, даромадларига узвий равишда боғлиқ. Аниқроғи, маҳаллий ҳокимиятнинг харажатлари канчалик кам бўлиб, унинг даромадлари шунчалик кўп бўлса, у ўз олдига қўйган муҳимликни юксак даражада адо этган ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар орқали бевосита ижтимоий соҳа молиялаштирилади. Шунинг учун маҳаллий бюджетлар даромадларининг кўўпайиши бевосита ҳудудий иқтисодиётнинг ривожланишига, ишлаб чиқиришни ташкил қилинишига ва янги иш ўринларини яратиш орқали аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз бюджети харажатларининг 45% дан кўпроқ бўлган қисми Ижтимоий соҳа (маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, фан) га сарф қилинмоқда. Бундай ҳолат ўз-ўзидан маҳаллий бюджетлар харажатлари тизимида ижтимоий соҳа харажатларининг юкорилигидан далолат беради, яъни маҳаллий бюджетларнинг 70-75 фоиз харажатлари ижтимоий соҳа харажатларига

тўғри келиб, улар йиллар мобайнида ўсиш тенденциясига эга. Маҳаллий бюджетларнинг 48-50 фоиз харажатлари таълим тизими харажатларини, 24-25 фоизи соғлиқни сақлаш харажатларини, 0.7-0.8 фоизи харажатлари маданият ва спорт харажатларига ҳамда 0.8 фоиз атрофида фан харажатларига тўғри келмоқда.

### 3.1-диаграмма

**Қуйидаги расмда 2017 йилда Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани ижтимоий соҳага қилган харажатларининг таҳлили келтирилган.**



(3.2- диаграмма) маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017 йилда умумий таълимга 76.5 фоиз, соғлиқни сақлашга 22.4 фоиз, ижтимоий таъминотга 0.14 фоиз, жисмоний тарбия ва спортга 0,57 фоиз, маданий ва оммавий ахборот воситаларини сақлаш харажатларига 0,36 фоиз миқдорда маблағ ажратилган.

Маҳаллий бюджет харажатларини салмокли кисми ижтимоий соҳа харажатларига тўғри келар экан, бундай шароитда уларни оптималлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Энг аввало ижтимоий соҳа харажатларини оптималлаштиришда бюджетдан молиялаштириш принципларига катъий риоя этишдир.

Бюджетдан молиялаштиришнинг умумий принциплари сифатида эса куйидагиларни эътироф этиш мумкин:

### 3.1-Чизма



Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ҳам, ислохатларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳам ижтимоий соҳани ривожлантириш юксак даражага кўтариш масаласи ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Шу сабабли бюджет харажатлари, жумладан, маҳаллий бюджет харажалари таркибида ижтимоий соҳа харажатларининг салмоғи ортиб бормокда.

Шундай шароитда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни оптималлаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири назоратни таъминлашдан ибораг, яъни:

### 3.2-Чизма



Ўрта муддатли бюджет режалаштиришга ўтишни тезлаштириш ҳам бюджет харажатларини оптималлаштиришга олиб келади. Ўрта муддатли бюджет режалаштиришга ўтишда бюджет тузишнинг мақсад ва йўналшилари ўзгартириб юборади. Фақат шу йўл билан ва бюджетни давлатни ривожлантиришга йўналтириши мумкин, шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган дастурларни тадбиқ этиш мумки. Натижага йўналтирилган бюджетнинг авзаллиги шундаки, унда ўрта муддатга давлатнинг ривожлантириш

стратегияси аниқланади. Молия вазирлиги томонидан соҳалар, вазирликларга давлат харажатлари тақсимлаб берилади, яъни уларнинг ҳар бири учун етарли (лимит) белгиланади. Ҳар бир соҳа, вазирлик шу чегара доирасида ўз ривожланиш дастурини тузади. Дастур ўз олдига мақсад ва шу мақсадга эришиш йўлларини кўяди. Шуниси эътиборга лойиқки, дастур натижасига ва уни баҳолаш индикаторларини эга бўлиши керак. Бу дастурларни қўллашда ҳозирги бюджет режалаштиришидаги асосий муаммо - молиялаштириш натижаларининг ноаниқлиги йўқолади.

## **IV-БОБ. АТБ «ТУРОНБАНК» ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲОЛАТИ ВА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **4.1. Ҳаёт фаолияти меҳнат муҳофазасининг қонуний асослари**

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий, қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва турли вазирликларнинг кўрсатмаларнинг буйруқлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида Конституциясида (1992 йил 8 декабр): Олий Мажлиснинг ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, Ҳаётда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш киради (78- модда).

Маҳаллий ҳокимият органларининг Конституциямиз томонидан белгиланган вазифалари қаторига, жумладан, қуйидагилар киради:

- қонунийликнинг, ҳуқуқий-тарғиботини ва фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш;

- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш мажбурий солиқлар ва йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳосил қилиш (100-модда).

Конституцияда энг аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўрсатилган бўлса, шу билан бир қаторда иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимояланиш асоси берилган.

Конституциянинг 9-боби иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоялашга қаратилган. 36-моддасида «Ҳар бир шахс қонунда кўрсатилган тартибда риоя қилиш, эркин касб танлаш одилона шароитларда меҳнат қилиш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир» дейилган ва унинг давомида жазо ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки

қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан (ҳарбий хизмат чоғида, фавқулодда ҳолат шароитида ҳ.к.ларда ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади) дейилган.

39-моддада «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» деб тиббиёт хизмати ҳеч бир чекланишларсиз, турли хил хизмати корхоналари ташкил этилиши ва жумладан малакали тиббиёт ходимлари ўз шахсий даволаш муассасаларига эга бўлиши, даволаш соҳасида рақобат вужудга келиши билан Республикамизда яшовчилар малакали тиббиёт хизматидан фойдаланиш имконияти таъминланади.

Юртимизда фуқаро меҳнат муҳофазасини Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” қонунни (1993 йил 6 май), Меҳнат Кодекси (1995 йил 21-декабр, №161-1) «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида”ги Низом (Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 6 июн, 286-қарор) ва турли давлат стандартлари ва кўрсатмалари асоси яратилган.

Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» Қонун ҳажми 5 бўлим, 29 моддадан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъий назар меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишни таъминлашга қаратилган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчаси ўз ичига инсоннинг жамиятда ишлаб чиқаришда, яшашида, фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлиши, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан сақланиши, уруш ва терроризм ҳуружидан химояланиш, табиат ва одамзот уйғунлигини сақлаши, умуман олганда, инсоннинг шу заминдаги ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш тушунилади.



#### **4.2. АТБ «Туронбанк» меҳнат фаолиятини муҳофазасининг ҳолати**

АТБ «Туронбанк» ҳаёт фаолияти хавфсизлигида меҳнат муҳофазасини, қонунда кўрсатилганидек ташкил этиган: меҳнат муҳофазасини иш жараёнида инсоннинг меҳнат қобилиятини, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш учун йўналтирилган қонунлар мажмуаси, социал-иқтисодий ташкилий, техник, гигиеник, профилактик тадбирларни ўз ичига қамраб олар экан, демак барча жабҳаларда фуқароларнинг меҳнат қилиш шароити талаб даражасида яратилиши лозим.

АТБ «Туронбанк» ҳар бир ходимнинг Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига амал қилиш ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини иш фаолиятига тўғри ҳал этиши унинг шу соҳадаги билим ва малакасига боғлиқ. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги билан бир қаторда унинг таркибий қисми бўлган меҳнатни техника хавфсизлиги ҳамда ёнғиннинг олдини олиш масалалари ҳозирги вақтда энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларни излаб топиш меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш, касб касалликларни ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек, уларни камайтиришда ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли ноҳуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриқдан ўтказиб туриш чора тадбирлари ичида муҳим ўрин тутади.

Сўнгги вақтларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббий кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга ошириляпти. Меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли умумий хастакликлар

ҳамда касб касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Умумий ва касб касаликларини, бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида бу кўрикларнинг даст савияда ўтказилиши келгусида сурункали касалликларнинг тез-тез учраб туришининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида ишлаш унумдорлигининг пасайишига, иқтисодий куч-қувватларнинг сусайишига олиб боради, яъни салбий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси кучайишини ва аҳолини фуқаро муҳофазаси вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларга тузилмарга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатланиши, турли хил жиҳозлар, асбоб ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

Фуқаро муҳофазасининг амалий машғулотларнинг замон талаблариға мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонида қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалари оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

#### **4.3. АТБ «Туронбанк» ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора тадбирлари**

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда

газлар атмосферага ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усулларнинг меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо этади.

Ҳозирга вақтда республикамиз ташкилот ва корхоналарида ёнғин хавфсизлигини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, корхоналарда ёнғин чиқиш хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари ишлатилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгрок қўлланилмоқда.

Лекин, ёнғин чиқишининг олдини олиш ва ўт ўчиришда асосий маъсулият кишилар зиммасига тушушини ҳамда уларнинг ёнғинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Ташкилот ва корхоналарда бу тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борилиши керак. Республикамининг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкини кўз қорачиғидай корхоналарида ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкилий қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зич яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасининг мустаҳкамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишига қаратилган илмий техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;

- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зич яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга қарши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан сақлашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларнинг бажарилишини текшириш;

- ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлимларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттик назорат қилиш ҳамда текшириш;

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қўйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ёнғин хавфсизлиги жиҳозларининг қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча ташкилот бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналари ва уйларни текшириш;

- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда қоида бузилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиш ёки бажармаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчилар, хизматчилар ва муҳандис-техникларнинг кўпчилиги жалб этилгандагина корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда ёнғинга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш мумкин. Бунинг учун хар бир объектда ёнғин техник комиссияси тузилади.

Комиссияга бош муҳандис, техник раҳбар ёки раҳбарнинг биринчи ўринбосари бошчилик қилади, уларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- ёнғинни олдини олиш қоидаларининг бузилишларини ва ёнғин чиқишига олиб келувчи камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- объектив ёнғиннинг олдипи олиш тартибини ишлаб чиқиш ва уларни ўтказишда қатнашиш;

- ишчи хизматчилар ва муҳандис - техник ходимлар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш тартиби ҳамда қоидалари бўйича оммавий тушунтиришини олиб бориш.

Бу вазифаларни бажариш учун ёнғин тахник комиссияси ишлаб чиқариш хоналари, Электр жиҳозлари, шамоллатиш, иситиш тизимлари ва шу кабиларни кўздан кечириб, қоида бузилишларни аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилайди, ишловчилар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш мавзуларида суҳбатлар, лексиялар ўтказилади, рационализаторлар ҳамда ихтирочилар учун мавзулар ишлаб чиқишда қатнашади, цехлар, бўлимлар, омборхоналар, лабораториялар ва ҳоказоларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишга кенг жамоатчилини жалб этади.

#### **4.4. АТБ «Туронбанк» фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари**

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис кўйиш, даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, прогез-оргопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек, беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш парваришlash юзасидан Ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқга эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек, уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамнинг аҳамияти ва шундай ёрдам беришнинг қоидалари. Биринчи медицина ёрдамнинг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини, кутқариб қолиш, унинг азоб-

укубатларини камайтириш руй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ходисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қуйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қуйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғрик қолдирадиган дорилар юбориш, (шок маҳалида), ёниб турган кийимни ўчириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни кимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизация), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Биринчи медицина ёрдамини мумкин қадар эрта муддатларда кўрсатиш касаллик ва шикастнинг кейин қандай ўтиши ҳамда оқибати нима билан тугаши учун, баъзида эса хаётини қутқариб қолиш учун ҳам хал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўп қон кетиб турганда, одам электр токидан шикастланган, сувга чўккан пайтида, юрак фаолияти тўхтаб, нафаси чиқмай қолган пайтда ва бир қанча бошқа ҳолларда биринчи медицина ёрдами дарҳол кўрсатилиши керак. Башарти талайгина одамлар бир йўла биринчи медицина ёрдами кўрсатилишига мухтож бўлса, у ҳолда бундай ёрдам кўрсатишнинг муддатлари билан навбати белгиланади. Болаларга ва шу пайтнинг ўзида ёрдам олмаса ўлиб қолиши мумкин бўлган шикастланганларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилади.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибинни белгилаб олиш керак. Аввал шикастланган одамнинг хаётии қутқариб

қолишга имкон берадиган ёки биринчи медицина ёрдамнинг кейинги усул-амалларини қўлланиш учун бажарилиши шарт бўлган усул-амаллар бажарилади. Чунончи, сон суяги очиқ синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда хаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Биринчи медицина ёрдамнинг ҳамма усул-амалларини эҳтиёт бўлиб ва авайлаб бажариш лозим. Қўпол ҳаракатлар қилинадигани бўлса, бу шикастланган кишига зарар қилиши ва унинг ахволини ёмонлаштириб қўйиш мумкин. Биринчи медицина ёрдамини бир эмас, балки икки ёки бир неча киши кўрсатадиган бўлса, у холда келишиб, иноқлик билан иш кўриш керак. Бунда ёрдам кўрсатаётганларнинг бири бошлиқ бўлиб, бирипчи медицина ёрдамнинг барча усул амаллари бажарилишига раҳбарлик қилиб бориши лозим.

Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда табелдаги ва қўлда бор воситалардан фойдаланилади. Биринчи ёрдам кўрсатишда ишлатиладиган табел воситалари боғлам материали бинтлар, медицина боғлов пакетлари, катта ва кичик стерил боғламлар билан салфеткалар, пахта ва бошқа ашёлардир. Қонни тўхтатиш учун қон тўхтатадиган жгутлар: тасмасимон ва найсимон жгутлар, иммобилизация қилиш учун эса махсус тахтакачалар фанера шиналар, шотисимон, тўрсимои ва бошқа хилдаги шиналар ишлатилади. Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда баъзи дори-дармонлардан фойдаланилади ампулалар ёки флаконга солинган спиртдаги 5% ли ёд эритмаси, флаконга солинган спиртдаги 1-2% ли бриллиант яшили эритмаси, валидол таблеткалари, валериана настойкаси, ампулаларга солинган новшадил спирт, таблеткалар ёки порошок холидаги натрий



гидрокарбонат (ичимлик сода), вазелин ва бошқалар шулар жумласидандир. Профилактика қилиш учун индивидуал аптечка (АИ-2) дан фойдаланилади.

Санитар дружиналари ва санитар постлари табел воситалари билан таъминланади. Қурилиш ва ишлаб чиқариш участкаларида, цехлар, фермалар ва бригадаларда, ўқув юртлари ва муассасаларда, аҳоли уюшган ҳолда дам оладиган жойларда биринчи ёрдам аптечкалари комплектланиб, тахт қилиб қўйилади. Бошқармага тегишли одамлар ташиладиган транспорт воситалари, шунингдек, шахсий автомобиллар аптечкалар билан таъминланган бўлиши керак.

Тайлоқ туман ДСИ ходимлари томонидан шикастланган одамга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида энг аввало, унинг жароҳатланган жойларига стерил боғлам қўйиш зарур. Оёқ-қўллари лат еб, муздек бўлиб, қолиб кетган бўлса, дарров узок вақт босилиб қолган жойидан юқорирокқа жгут ёки бурама солинади. Бундан кўзланган мақсад эзилиб қолган тўқималарда тўпланиб қолган захарли моддаларнинг қопга сўрилиб, юқорига ўтмаслигига тўсқинлик қилишдир. Жгутни жуда ҳам қаттиқ ва таранг қилиб қўймаслик керак, акс ҳолда шикастланган жойларга қон келиши тўхтаб қолиши мумкин. Бундан ташқари, узок вақт босилиб, эзилиб қолган қўл-оёқлар ушлаб кўрилганда, ҳарорат юқори бўлмаса, уларни бинт, дока билан мустаҳкам боғлаб, устига совуқ нарса қўйиш мақсадга мувофиқдир.

## ХУЛОСА

Мамлакатимизда давлат молияси даромадлари ва харажатлари бўйича олиб борилаётган молия сиёсати ҳозирги кун ва давр талабларига атрофлича жавоб беради. Олиб борилган ўрганиш ва таҳлиллар шуни намоён қилмоқдаки, давлат молияси ва унинг таркибий қисми ҳисобланган давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлатнинг мақсадли жамғармалари мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳар томонлама кўмак бермоқда. Пировардида, иқтисодий соҳада 2008 йилдан бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бўлишига қарамай мамлакатимизда ЯИМ кейинги 10 йил мобайнида 7.8 фоиздан пастга тушгани йўқ. Шунингдек, давлат бюджети молия йили бошида ЯИМга нисбатан 0.1 фоизга профцит билан тасдиқланаётган бўлса-да, аммо самарали олиб борилаётган молия сиёсати асосида йил якунида профцит билан якун топмоқда. Ижтимоий соҳа бўйича ҳам асрга таътугулик чора-тадбирлар амалга оширилди ва бу жараёни янада изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, янгидан юзлаб академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари барпо этилди, қишлоқ жойларда ўн минглаб намунавий уй ва турар жойлари қурилди ва ундан маҳаллий халқимиз, асосан ёшлар баҳраманд бўлмоқда.

Ҳар қандай мамлакатда давлат харидини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва уни доимий тарзда такомиллаштириш давлат молия тизимининг муҳим стратегик вазифаларидан ҳисобланади. Айти пайтда Ўзбекистон Республикасида Давлат хариди тўғрисида қонун қабул қилинмаган. Ўзбекистонда Давлат харидини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жумладан, Давлат хариди тўғрисида қонун қабул қилишнинг долзарблиги қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

- Давлат харидини ташкил этишда маълумотлар очик-ойдинлигини таъминлаш;
- Давлат харидини амалга оширувчи давлат субъектлари ваколатларини тартибга солиш;
- харидни режалаштириш ва тартибга солиш;
- маҳсулотлар етказиб берувчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш;

- тендер асосида савдоларда харид механизмларини тартибга солиш;
- Давлат бюджети маблағларининг самарадорлигини ошириш.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, ЎРҚ-360, 26.12.2013 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрь, 1675- сон, 2012 йил 25 декабрь 1887-сон, 2013 йил 25 декабрь 2099-сон ва 2014 йил 4 декабрдаги 2270-сонли қарорлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 3 январдаги 1-сонли “2017 молия йилини сифатли яқунлаш, 2018 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари ижроси жараёнида бюджетни режалаштириш самарадорлигини ошириш ва бюджет қонунчилиги талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш чоралари тўғрисида”ги буйруғи;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидага Қарорлари: 2013 й., ПҚ-2099; 2014 й., ПҚ-2170; 2015 й., ПҚ-1887; 2016 й., ПҚ-1824;
6. Каримов И. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш - бош мақсадимиздир // Халқ сўзи. 2014 йил декабрь.
7. Каримов И 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва деверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш - устувор вазифамиздир // Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь.
8. Каримов И. 2014 йил Юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохатлар

стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Халқ сўзи, 2014 йил январь.

9. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”. Мамлакатни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.
10. Баканов М.И., Мельник М.В., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. - М.: Финансы статистика, 2007. -536 с.
11. Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 200 с..
12. Вахабов А.В., Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.
13. Гиндуллина Т.К., Багаева Ю.О., Суворова В.А. Детерминированные методы факторного анализа: Методические указания к практическим занятиям по дисциплине “Технико-экономический анализ деятельности предприятия”. - Уфа. Уфимский государственный авиационный технический университет 2011. -39 с.
14. Дуброва Т.А., Архипова М.Ю. Статистические методы прогнозирования в экономике: Учебное пособие, практикум, тесты, программа курса. - М.: Московский государственный университет экономики, статистики и информатики, 2004. -136 с.
15. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. - Т: Фан, 2004. - 224 б.
16. Зайналов Д.Р., Хусанов Б.Ш. Взаимосвязь демографической ситуации с трудозанятостью и социальной защитой населения в условиях международного финансово-экономического кризиса //Социально-

экономические и правовые проблемы развития информационного общества. Материалы межд. науч.-практ. конф.–Омск: ОЭИ, Том 1. 2009. -С. 293-302.

17. Зайналов Д.Р., Хусанов Б.Ш. Распределение фонда жизненных средств населения //Системный экономический кризис в контексте глобальной динамики: последствия и стратегии преодоления. Материалы межд. научно-практ. конф. – Караганда, Часть II. 2009. -С.33-40.
18. Зайналов Дж.Р., Хусанов Б., Карлибаева Р. Влияние акционерного фонда на социальную защиту населения и их занятость //Теория и практика учета, анализа, аудита и статистики в России и странах СНГ. Материалы межд. научно-практ. конф. – Тамбов: Изд-во ТРОО «Бизнес-Наука-Общества», 2011. - с.132-141.
19. Зайналов Дж.Р., Хусанов Б.Ш., Расулов З.Дж. Механизмы формирования доходов населения и проблемы их социальной защищенности // Теория и практика учета, анализа, аудита и статистики в России и странах СНГ. Материалы межд. научно-практ. конф. – Тамбов: Изд-во ТРОО «Бизнес-Наука-Общества», 2011. - с. 122-132.
20. Исламкулов А.Х., Ражаббаев Ш.Р., Пардаев У.У. Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш. Монография. – Т.: Спектрум Медиа Гроуп, 2015. – 160 б.
21. Маликов Т., Жалилов П., Бюджет-солиқ сиёсати. Монография. Т.: Академнашр, 2011. - 27 б.
22. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011. – 354 б.
23. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. - Т: Иқтисод ва молия, 2007, - 21 б.
24. Морозова Т.Г., Пикулькина А.В. Прогнозирование и планирование в условиях Лынка: Учебное пособие для вузов. М.: Юнити - Дана, 2003. - 279 с.

25. Нешиной А.С. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. – М.: “Дашков и К”, 2010. – 592 с.
26. Нурматов Б.Э., Муминов Н.Г., Сугирбаев Б.. Давлат бюджетининг газна ижроси.учебное пособие, МФУчебный центр - Т.: “Аср-матбуот” нашриёти, 2014 йил – 328 б.
27. Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010.
28. Срожиддинова З.Х. Бюджетная система Республики Узбекистан. Издательство, «infoCOM.UZ». Ташкент - 2010. – 480 с.
29. Теория экономического анализа: учебник [Электронный ресурс]; Региональной финансово-экономический институт - Курск, 2008. - 168 с.
30. Тошматов Ш.А., Ражаббаев Ш.Р. ва бошқалар. Молиялаштиришнинг инновацион усуллари. Монография. – Т.: Молия, 2015. – 160 б.
31. Хусанов Б.Ш. Влияние многоукладной экономики на занятость. //Казахстан в системе мирового экономического кризиса: природа, анализ и механизмы реализации антикризисной программы. Материалы межд. научно-практ. конф. – Караганда, 2009. –С.571-572.
32. Хусанов Б.Ш. Задачи финансирования социального обеспечения в условиях развивающейся рыночной экономики //Системный экономический кризис в контексте глобальной динамики: последствия и стратегии преодоления. Материалы межд. научно-практ. конф. – Караганда, ЧастьII. 2009. -С.62-65.
33. Хусанов Б.Ш. Приоритеты социального обеспечения и развития системы защиты населения //Проблемы становления инновационной системы и развития предпринимательства в Республике Казахстан. Материалы межд. науч.-практ. конф. – Караганда, КЭУ КП., Часть 1. 2009. - С.135-138.

34. Annette Kyobe and Stephan Danninger. Revenue Forecasting - How is it done? Results from a Survey of Low-Income Countries (IMF Working paper WP05/24).-Washington. DC.: International [Monetary Fund. 2005, 23 p.
35. Arthur B. Laffer. Jan P Seymour. The economics of the tax revolt. - New York: Harcourt Brae Jovanovich, 1979. - 138 p.
36. Makridakis S., Wheelwright S., McGee V. Forecasting, methods and applications - New York: Malloy Lithographing. Inc. 1983. - 926 p.
37. Интернет сайтлари:
  - http: // [www.finansy.ru](http://www.finansy.ru)
  - http: // [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
  - http: // [www.mf.uz](http://www.mf.uz)
  - http: // [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
  - http: // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)